


Очиқ мулоқот ўтказилди


Очиқ мулоқот ўтказилди





Бугун Музработ тумани ҳокимининг ўринбосари Одил Қурбонсаидов иштирокида “Музработ туманида табиий газ, электр энергияси ва ичимлик сувини исроф қилмасдан фойдаланиш борасида кўрилаётган чоралар” мавзусида очиқ мулоқот ўтказилди.

Ўтказилган очиқ мулоқотда туман ҳокимининг ўринбосари О.Қурбонсаидов туманда табиий газ, электр энергияси ва ичимлик сувини исроф қилмасдан фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар ва бу борада аҳоли орасида тарғибот ишлари кетаётганини айтиб ўтди.

Очиқ мулоқот давомида иштироучиларни қизиқтирган барча саволларга О.Қурбонсаидов томонидан етарлича жавоб берилди.







Музработ тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати